

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

299 Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2594

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни 5¹-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низом ҳамда 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сон «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 май,
3-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил
30 майдаги 3-мб-сон қарорига
ИЛОВА

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System» да ишлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низом ҳамда 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сон «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (бундан буён матнда Давлат статистика қўмитаси деб юритилади) ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни, юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System» асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига (бундан буён матнда КТЯДР деб юритилади) киритиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System» (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) — юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, тўплаш, янгилаш, сақлаш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва белгиланган тартибда тақдим этиш жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган ахборот тизими;

билдиришнома — юридик шахсларнинг давлат реестридаги юридик шахс тўғрисидаги маълумотларнинг электрон шакли бўлиб, унинг ёрдамида КТЯДРда юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар ёки ундаги ўзгаришларни киритиш амалга оширилади;

регистратор — рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими;

статист — давлат статистика органларининг КТЯДРни юритиш бўйича масъул ходими;

ташки фойдаланувчилар — КТЯДРдаги ахборотдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

2. Қуйидагилар Тизим фойдаланувчилари ҳисобланади:

Давлат статистика қўмитаси — Тизимни ишлашини таъминлашда ҳамда

унга расмий ёки идоравий сайт (ихтисослаштирилган дастурий модул) орқали кириш ҳуқуқини беришда;

рўйхатдан ўтказувчи органлар — юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишда;

ташқи фойдаланувчилар — КТЯДРдаги барчанинг фойдаланиши учун очиқ бўлган ахборотларни олишда.

3. Тизимнинг кечаю-кундуз ишлаши Давлат статистика қўмитаси томонидан таъминланади ва тизим қўйидагиларни амалга ошириш имкониятини беради:

давлат статистика органларига — статистика классификаторларидан фойдаланган ҳолда КТЯДР ахборотларини кодлаштиришнинг ягона тизими-ни қўллаш орқали, юридик шахслар ва уларнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, тўплаш, янгилаш, сақлаш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва белгиланган тартибда тақдим этиш;

рўйхатдан ўтказувчи органларга — КТЯДРни юритиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш ҳамда уларнинг автоматлаштирилган ҳисобини олиб бориш;

ташқи фойдаланувчиларга — Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали КТЯДРдаги барчанинг фойдаланиши учун очиқ бўлган ахборотларни олиш.

2-боб. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тизимга кириш ҳуқуқини олиш ва бекор қилиш

4. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан масъул ходимларга Тизимга кириш ҳуқуқини олиш учун, мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган шакл бўйича, электрон кўринишда Давлат статистика қўмитасига сўронома юборилади.

5. Давлат статистика қўмитаси, бир кун муддатда, регистраторга ягона логин ва паролни рўйхатга олинишини ва унинг Тизимга кириш ҳуқуқини таъминлайди ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилади.

6. Агар регистратор лавозимидан озод этилса ёки бошқа ишга ўтса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир кун муддатда, ушбу регистраторнинг Тизимга кириш ҳуқуқини бекор қилишни таъминлаш мақсадида, мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида кўрсатилган шакл бўйича, электрон кўринишда Давлат статистика қўмитасига хабарнома юборади.

7. Давлат статистика қўмитаси тегишли хабарномани олгандан кейин, 8 иш соати мобайнида Тизимга кириш ҳуқуқини бекор қилиш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширади.

8. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ва давлат статистика органларининг масъул ходимлари ўзларига маълум бўлган логин ва паролни учинчи шахсларга ошкор қилмасликлари шарт.

3-боб. Юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш жараёнида рўйхатдан ўтказувчи органлар ва давлат статистика органларининг ўзаро муносабатлари

9. Регистратор томонидан КТЯДРни юритиш учун зарур бўлган, юридик шахслар давлат реестрига киритилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, бевосита Интернет тармоғидаги Давлат статистика қўмитасининг registr.stat.uz идоравий сайтида билдиришномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

10. Тизимга кириш учун, регистратор мазкур Йўриқноманинг 4 ва 5-бандларида ўрнатилган тартибда берилган шахсий логин ва паролдан фойдаланиш орқали авторизацияни амалга оширади.

11. Билдиришномани тўлдиришда қуйидагиларга риоя этиш талаб этилади:

билдиришноманинг барча сатрларини тўлдириш;

билдиришномани тўлдиришда лотин алифбосидан фойдаланиш;

статистика классификаторларидан фойдаланган ҳолда кодларни бириктириш.

12. Билдиришномани тўлдириш қуйидаги ҳолатлар ва муддатларда амалга оширилади:

а) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахслар давлат реестрига киритилгандан кейин бир кун мобайнида;

б) нотижорат ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахслар давлат реестрига киритилгандан кейин икки кун мобайнида;

в) юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнидалиги, тугатиш жараёнининг тўхтатилганлиги, тугатилиши ва почта манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар, юридик шахслар давлат реестрига киритилгандан кейин икки кун мобайнида.

13. Юридик шахснинг коди (КТУТ — корхона, ташкилотнинг асосий коди) — регистратор томонидан юридик шахсга Тизимдан фойдаланган ҳолда олинган, реал вақт режимида билдиришномани тўлдириш жараёнида берилади.

14. Статист, тўлдирилган билдиришнома келиб тушган пайтдан бошлаб, бир иш кун мобайнида регистратор томонидан бириктирилган статистика кодларини текширади.

15. Статист, текшириш натижаларига кўра:

а) статистика кодларини бириктиришда номувофиқликлар мавжуд бўлмаса, юридик шахс тўғрисидаги маълумотларни КТЯДРга киритади, бунда Тизим регистраторга автоматлашган тарзда хабар юборади;

б) статистика кодларини бириктиришда номувофиқликлар мавжуд бўлса, уни бартараф этиш тўғрисида Тизим ёрдамида регистраторга автоматлашган тарзда хабар юборади.

16. Регистратор мазкур Йўриқноманинг 15-банди «б» кичик бандида кўрсатилган хабарни олгандан кейин, 8 иш соати мобайнида кўрсатилган номувофикликларни тегишли билдиришномада бартараф этади.

17. Давлат статистика органлари, рўйхатдан ўтказувчи органларнинг мазкур Йўриқноманинг 12-бандида кўрсатилган маълумотларининг солиқ органлари, давлат мулкани бошқариш органлари ва бошқа давлат органларининг регистрлари ҳамда ахборот базалари, шунингдек статистика кузатувларини амалга оширишда олинган статистика маълумотлари билан номувофиклиги аниқланганда, рўйхатдан ўтказувчи органга электрон ёки факсимил алоқа ёрдамида юридик шахс тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш тўғрисида сўров юборадилар.

18. Рўйхатдан ўтказувчи органлар, тегишли сўровни олгандан кейин 10 кун мобайнида номувофикликни бартараф этадилар, тегишли давлат реестрига ўзгартиришлар киритадилар ҳамда сўровни юборган давлат статистика органига электрон ёки факсимил алоқа ёрдамида жавоб юборадилар.

19. Давлат статистика органи, рўйхатдан ўтказувчи органнинг жавобини олгандан кейин, бир иш кунни мобайнида КТЯДРга ўзгартириш киритади.

4-боб. Ташқи фойдаланувчиларнинг КТЯДРдаги барчанинг фойдаланиши учун очик бўлган ахборотларни олиши

20. КТЯДРдаги барчанинг фойдаланиши учун очик бўлган ахборотлар қуйидагилар ҳисобланади:

идентификациялаштириш кўрсаткичлари — юридик шахснинг номи, коди (КТУТ), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

классификация кўрсаткичлари — асосий фаолият турининг характери, жойлашган ери, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шакли, кичик тадбиркорлик субъектларига мансублиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кириши;

почта манзили.

21. КТЯДРдаги барчанинг фойдаланиши учун очик бўлган ахборотлар бепул такдим этилади.

22. Ташқи фойдаланувчилар, бевосита Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида реал вақт режимида, сўралаётган юридик шахснинг (КТУТ ёки СТИР) кодини киритиб, КТЯДРдан юридик шахс тўғрисидаги ахборотни олишлари мумкин.

23. КТЯДРдаги ахборотлар ташқи фойдаланувчилар учун фақат ўқиш режимида очик бўлади.

5-боб. Яқуний қоидалар

24. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

25. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

2014 йил 23 май

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига СЎРОВНОМА

(Тизимга кириш ҳуқуқини олиш учун)

Сиздан _____нинг қуйидаги ходим(лар)ига
(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

Регистратор сифатида Тизимга кириш ҳуқуқини беришингизни сўрайман:

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	СТИР	Электрон почтаси (E-mail)	Телефон рақами (халқаро форматда)

_____ раҳбари: _____
(рўйхатдан ўтказувчи орган номи) **М.Ў.** (имзо) (Ф.И.О.)

Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишни автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасига**

ХАБАРНОМА

(Тизимга кириш ҳуқуқини бекор қилиш учун)

Сиздан _____нинг қуйидаги ходим(лар)ига
(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

берилган Регистратор сифатида Тизимга кириш ҳуқуқини бекор қилишин-
гизни сўрайман:

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	СТИР	Электрон почтаси (E-mail)	Телефон рақами (халқаро форматда)

_____ раҳбари: _____
(рўйхатдан ўтказувчи орган номи) М.Ў. (имзо) (Ф.И.О.)